



**«Қийинчиликларга қарамай, таҳоратни яхшилаб қилиш, масжидларга қадамни кўпайтириш ва намоздан сўнг намозни интизор бўлиб кутиш. Ана ўша сиз учун «муробитлик»дир», дедилар».**

*Муслим, Термизий ва Насайй ривоят қилганлар.*

Ислонда мусулмонларни душманлар ҳужумидан ҳимоя қилиш учун шай бўлиб, чегарани қўриқлаб турган одам «муробит» дейилади. Бомдод намозини ўқиш учун иссиқ кўрпани устидан олиб, туриб, таҳорат қилиш ва масжидга юриб бориб, намоз ўқиш Аллоҳ аzza ва жалланинг рози бўлишига, хатолар ўчирилишига, даражалар кўтарилишига сабаб бўладиган амаллардандир. Нафс иссиқ ўриндан тургиси келмаса, банда нафсининг истагига қарамай, Аллоҳ таолонинг амрига итоат қилиб, намоз учун ўрнидан туриб, ҳаво совуқ бўлишига қарамай, таҳоратни яхшилаб қилиб, масжидга бориши Аллоҳ таолога маҳбуб амални нафси хоҳлаган амаллардан устун қўйишга мисоллардан биридир.

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**